

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 октябрь куни мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табрик нутқида таъкидлаганидек, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Мактабга таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

— Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи, муаллим деганда ўзим учун энг азиз ва ҳурматли бўлган, зиёли ва замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиламан. Чунки ҳаммамизга ҳам шу муаллим сабоқ ва таълим бериб, меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган, — деди давлат раҳбари йиғилиши аввалида. — Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир.

Ҳар бир оила, ҳар бир бола ҳаёти мактаб билан боғлангани, бу масала давлатнинг, жамиятнинг энг муҳим иши экани таъкидланди.

— Ҳаммамиз азиз фарзандларимиз ҳаёти ва тақдирини ўқитувчи ва мураббийларга ишониб топширамиз.

Мана шундай бекиёс бойлик посбонлари, келажак бунёдкорлари бўлган бу мўътабар зотларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз керак, — деди Президент.

Йиғилишда бугунги модернизация жараёнлари, ислоҳот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақалаётгани қайд этилди. Шу боис мактаб директорлари ва муаллимларга кўп нарса боғлиқ. Улар қишлоқ ва шаҳарларда таълим-тарбия, маданият ва маънавият тарқатадиган фидойи кишилардир. Мактаблар нафақат таълим маскани, балки маҳалланинг маданий, интеллектуал маркази бўлиши зарур.

Маълумки, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида Президент фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат regulation.gov.uz порталига қўйилиб, барча ҳудудларда, маҳаллий кенгашларда ва мактаб жамоаларида ота-оналар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Фармон лойиҳасида таълимдаги ҳозирги муаммоларни ҳал қиладиган, яқин беш йилда натижасини кўрсатадиган ва кейинги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган мақсадлар қамраб олинган.

Жумладан, жамиятда муаллимнинг обрў-эътибори ва мактабни кўтариш, ўқув дастурлари ва методикасини тўлиқ қайта қўриб чиқиш, мактабни таълимнинг кейинги босқичлари билан узвий боғлаш, ўқитувчилар-

ни ортқча қоғозбозликдан халос этиб, ўз устида кўпроқ ишлаши учун шароит яратиш ва шуни рағбатлантириш, мактаб инфратузилмаси ва ундаги маънавий муҳитни яхшилаш каби масалаларнинг ечимлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Энг асосийси, жойлардаги раҳбарларнинг, шунингдек, маҳаллий кенгашларнинг ушбу муҳим масалага ёндашуви ва эътиборини тубдан ўзгартириш, уларнинг масъулияти, жавобгарлиги ва ҳисобдорлиги механизми киритилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида таълим соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш, таълим сифатини оширишга оид вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аввало мактабларда ўқув юкларини ва дарслар сонини қайта қўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади.

Бу борада Финляндия тажрибаси мисол қилиб келтирилди. Ушбу мамлакат умумий саводхонлик, табиий фанлар ва математика бўйича дунёда энг илгорлардан бири.

— Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларида жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди. Халқ таълими вазирлигига ушбу тажриба асосида Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига синов тариқасида татбиқ этиш вазифаси қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

### Вилоят Кенгашининг сессияси

**Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида Президентимизнинг "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони лойиҳаси кўриб чиқилди.**

## УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ

**ундан ҳеч ким четда турмаслиги керак**



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вилоят секторлари раҳбарлари, депутатлар, тегишли бошқармалар вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этган йиғилишда таълим-тарбия тизимининг самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба-ёшларда юксак билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимининг узвийлиги ва узлуқсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Сессияда вилоят ҳокими Рустам Холматов мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва унинг лойиҳасида кўзда тутилган энг муҳим янгилликлар билан қисқача таништириб ўтди.

Қайд этилганидек, халқ таълими соҳасида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич Миллий ўқув дастурини жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Вилоятдаги навбатчилик коэффициенти паст бўлган мактабларни хусусий секторга ишончли бошқарувга бериш тажрибаси амалга киритилмоқда. Бунда мактабларни сақлаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар камайтирилмаган ҳолда мактаблар 5 йилга ишончли бошқарувга берилди.

Ўз навбатида, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказишнинг янги тартиби жорий қилинмоқда. Жумладан, нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ҳуқуқи берилди.

Бугунги кунда вилоятдаги таълим муассасаларининг ёшларга билим бериш даражасини ошириш борасида олиб борилган ўрганишлар, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича қилинаётган тақлифларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## БЎКА ВА ЧИНОЗДА СИНОВ-ТАДҚИҚОТ

**Камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишларнинг ривожланаётган мамлакатларда амалий жиҳатдан қўлланилиши 2019 йилги Нобель мукофоти лауреатлари, АҚШ олимлари А. Барнержи, Э. Дюфло ва М. Кремерлар томонидан ўтказилган экспериментларда ҳам ўз аксини топган.**

Уларнинг тадқиқотларига кўра, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар жойлардаги шароитлардан келиб чиққан ҳолда аниқ тажрибалар асосида ишлаб чиқилади.

Хусусан, арзон ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, бепул эмлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Аҳолининг таълим олиш давомийлиги ва таълим сифатини ошириш, ижтимоий ҳимоя тизими ва муҳтожларни моддий қўллаб-қувватлаш, микрокредитлаш ва тадбиркорликка руҳлантириш борасида тизимли ишлар қилиниши ҳам зарур.

Жорий йилда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасидаги чора-тадбирлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бошқа давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

### Пресс-тур

**Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 2016 йил август ойида "Олмалик КМК" АЖ таркибига қўшилди. Мазкур бирлашма ишлаб чиқариш базасида нодир металлларни олиш, уларни чуқур қайта ишлаш ва нодир металллар ҳамда қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш бўйича ягона технологик занжирни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Бу ерда жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 129 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилган.**

## ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

### Ноёб ва қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқаришга туртки берапти



Бу ҳақда Чирчиқ шаҳрида "Нанотехнологиялар ва нодир металллар. Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Ичкаридан нигоҳ" мавзусида ташкил этилган пресс-турда маълум қилинди.

Тадбир аввалида ОАВ вакиллари учун ОКМК Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Илҳом Асадов, бирлашма директорининг фан бўйича ўринбосари, Ўзбек-Корейс илмий-технологик маркази бошлиғи, техника фанлари доктори,

академик Эшмурод Пирматовлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда бирлашма тарихи, ҳозирги фаолияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, технологик ишлаб чиқариш занжирини, Ўзбек-Корейс илмий-технологик марказ ҳақида батафсил маълумот берилди.

Кези келганда айтиш керакки, 2019 йил апрель ойида Корея давлатининг КИРАМ нодир металллар институти билан ҳамкорликда биринчи нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар Ўзбек-Корейс илмий-технологик маркази ишга

туширилди. Марказнинг асосий вазифаси юқори тозаликдаги металллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун илмий-тадқиқот фаолияти, шу жумладан, ўта соф металллар — молибден, рений, вольфрам олиш технологиясини ишлаб чиқиш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан уларни қайта ишлаш, янги

маҳсулотлар олиш учун тадқиқот фаолиятини олиб боришдан иборат.

Пресс-тур иштирокчилари илмий-технологик марказ фаолияти билан яқиндан танишишди. Улар учун илгор ускуналар ва истиқболли маҳсулотларнинг намойиши ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## КЎМИР муаммоси бўлмаслиги шарт!




Бундан бир мuddат аввал газетамизда "Кўмирнинг нархи нега осмонда?" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда куз-қиш мавсумида мазкур зарур ёқилгининг нархи кескин ошиб кетиши, бу эҳтиёжманд аҳоли учун жиддий ташвиш уйғотиши борасидаги хавотирларга мутасаддилар муносабати берилган эди. Таҳририят мавзунини давом эттириб, мазкур жараённи назоратга олган прокуратура органларининг бу борада амалга ошираётган ишлари баёнига ҳам минбар ажратди.

Давлатимиз раҳбари томонидан куз-қиш мавсуми учун кўмир маҳсулотлари захирасини яратиш, уни аҳоли,

ижтимоий соҳа объектлари ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун етказиб беришда турли қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда

нарх-навоиси барқарорлигини сақлаш бўйича прокуратура органлари зиммасига алоҳида вазифалар юкланган.

Айни пайтда прокуратура органлари



томонидан бу борада изчил назорат ўрнатилган. Хусусан, вилоят бўйича аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига 2020-2021 йил куз-қиш мавсумида узлуқсиз

кўмир етказиб берилишини таъминлаш учун "Кўмир таъминот" масъулияти чекланган жамияти вилоят филиалининг 7 та ҳудудда 50 минг тонна сиймга эга кўмир омборлари мавсумга шай қилиб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 октябрдаги "Тошкент вилоятида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали тураржой фондиди 2020-2021 йиллар куз-

### Мавзуга қайтиб

қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, мавсумда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига жами 94 минг 269 тонна кўмир ашёси етказиб берилиши режалаштирилган. Унинг 84 минг 975 тоннаси аҳоли, 9 минг 294 тоннаси эса ижтимоий соҳа объектлари ҳиссасига тўғри келади.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Янги методикани самарали йўлга қўйиш учун барча мактаб ўқитувчилари видеоолақа орқали хорижий мутахассислар иштирокида ўқитилди. Энг муҳими, бу жараёнларга педагогика йўналишидаги университет ва институтлар ҳам жалб қилиниб, педагог кадрлар тайёрлаш методикаси ҳам янгиланади. Шунингдек, математика, физика, кимё, биология ва информатика фанлари бўйича чет эллардаги илгор дарсликлар чуқур ўрганиб чиқилади.

Мактабларни таъмирлаш, ободонлаштириш, иситиш каби хўжалик масалаларига ҳоҳимлар шахсон масъул экани эслатиб ўтилди. Шунингдек, олий ўқув юртига кира олмаган битирувчиларни муайян касб-хунар ёки тадбиркорликка жалб этиш муҳим.

Шу боис келгуси йилдан бошлаб 7-синфдан ўғил-қизларнинг касбга қизиқишларини аниқлаш ва бошқичма-бошқича касбга йўналтириш амалиёти жорий қилиниши белгиланди. Худуддаги саннат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналари мактабларга бириктирилади.

Ҳар бир мактаб рейтингини ҳамда шу асосда таълим сифати бўйича туман, шаҳар ва вилоятлар рейтингини ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди. Рейтинг натижаларига қараб, мактаб директорлари ва ўринбосарлари, ўқитувчилар, ҳокимлар ва уларнинг таълим бўйича маслаҳатчилари фаолиятга баҳо берилади.

Рейтингда биринчи бешликка кирган мактаб директорларига маҳаллий бюджетдан устама тўланади. Хусусан, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 бараваридан 12 бараваригача рағбатлантирувчи тўловлар берилади. Шу билан бирга, ҳалқ таълими бўлими раҳбари ва методисти, мактаб директорлари, туман рейтингда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган мактабларнинг 2 нафар илгор ўқитувчисига касба-ушумалари ҳисобидан ҳар йилги сўхатхўларга икки ҳафталик бепул йўлланма берилади. Шунингдек, фидойи педагоглар бошқа йўллар билан ҳам рағбатлантирилади.

Илғилишда педагог кадрлар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда педагоглар ҳар 5 йилда, раҳбар кадрлар эса ҳар 3 йилда малака оширолмақда. Лекин бу тўла қамров учун етарли эмас. Жорий йилда Сирдарё вилоятида 11 миң нафар мактаб ўқитувчиларининг барчаси синов тарихасида масофавий малака ошириш курслари билан қамраб олинмоқда.

Келгуси йили Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида малака ошириш бўйича масофадан ўқитиш ташкил этилади. Тошкент давлат педагогика университети педагог кадрлар малакасини оширишда республикада етакчи олийгоҳ эътиб белгиланади. Авлоний номидаги малака ошириш институти эса таълим муаммоларини чуқур ўрганадиган илмий-тадқиқот даргоҳи бўлади.

Ўқитувчилар тоифасини белгилаш тартибининг ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Бугунги кунда ҳалқ таълими тизи-

мида меҳнат қилаётган 490 миңдан зиёд педагогларнинг 4 фоизи олий, 15 фоизи биринчи тоифага эга. 4 бошқичдан иборат амалдаги аттестация тизимида қоғозбозлик ҳанузгача сақланиб қолган.

Шу боис мутасаддиларга тоифа бериш тартибининг соддалаштириш, педагоглар билимининг йил давомида баҳолаш имконини берувчи 2 бошқичли тизимга ўтиш бўйича кўрсатма берилди.

Яна бир муаммо – таълим сифати таълими, моддий-техника базаси етарли бўлмагани сабабли айрим мактаблар тўлиқ қувватда ишлама-япти. Масалан, Тошкент шаҳридаги 32 та мактабда ўқувчиларни қамраб олиш даражаси паст.

Мамлакатимизда хусусий таълим муассасаларига кенг шароит яратилаётгани боис келгуси йилдан эксперимент тарихасида кам қувватда ишлаётган мактабларни танлов асосида салоҳиятли талабгорларга ишончи бошқарувга бериш таклифи билдирилди.

Мактабларда замонавий бошқарувни жорий қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Энди мактаб директорларини лавозимга тайинлаш бевосита маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади. Ҳар бир номзод мактабнинг кўрсаткичларини келгуси 3 йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури билан танловда иштирок этади ва ҳар йили кенгашлар олдида ҳисобот беради.

Бундан асосий мақсад – мактабларнинг самарали фаолиятини таъкидлаш, директорлар ишига ноқонуний аралашувлар ва кадрлар кўнимсизлигига барҳам бериш.

Мактаблар билим билан бирга тарбия, маънавият маскани ҳамдир. Давлатимиз раҳбари бу ишларга ҳудудларда яшаб, ижод қилаётган шoir ва ёзувчиларни кенг жалб қилиш, мактабларнинг директор жамғармасидан маҳаллий аралашувлардан уларга ойлик маош тўлаш лозимлигини таъкидлади.

Олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва қамровни ошириш, ҳар бир ҳудудда камида биттадан нодавлат олий билим юрти ташкил қилиш муҳимлиги қайд этилди.

– Бугун кўриб чиқилган масалалар ҳаммадан, мактаб директоридан бошлаб Бош вазиргача бўлган барча бўғиндаги раҳбарлардан юксак масъулият ва юқори даражадаги жавобгарликни талаб қилади. Бу – йиллар давомида кўринмайдиган, аммо натижаси яқин 10-15 йилда бутун мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартиришга асос бўладиган қудратли манба, – деди Президент.

Парламент вакиллари, шунингдек, жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатларидан ҳалқимиздаги ўзгаришларни халқимизга етказиб, дахлдорлик ҳиссини ошириш, фармон қабул қилинган, ижросини назоратта олиш, ўз тажрибалари билан амалий ёрдам бериш сўралди.

Илғилишда ҳокимлар, олий таълим муассасалари ректорлари, мактаб директорлари, педагоглар таълим-тарбия сифатини оширишга оид фикр-мулоҳазаларини билдирди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ЎЗА

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ

ундан ҳеч ким четда турмаслиги керак

Таъкидланганидек, ўқувчиларнинг сабабсиз дарс қолдирмаслиги ёки уйга вазибаларни тўлиқ бажаришида ўқитувчи билан бирга ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Сабаби, онлайн дарслар бошланганидан сўнг айрим ўқувчиларнинг фаоллиги пасайиб кетган. Ота-оналар эса бу жараённи доим ҳам бирдек назорат қилишолмаётти.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шунингдек, таълим сифатини оширишда, албатта, ўқитувчиларнинг билим салоҳияти, ўқувчига етказиш методикаси мукамал бўлиши учун ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши зарурлиги айтиб ўтилди.

Сессияда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сессиядан сўнг вилоят ҳокими Рустам Холматов

Сессияда сўзга чиққан депутатлар ва Сфаоллар томонидан кўлаб таклифлар билдирилди. Куйида улардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини келтираемиз.

**Раъно ТУРДИБОЕВА, Тошкент давлат аграр университетининг профессионал таълим муассасалари билан ишлаш бўйича проректори:**

– Янги фармон лойиҳаси билан танишиб, жуда хурсанд бўлдим. 33 йилдан зиёд таълим соҳасида фаолият юритиб келаман ва ҳеч қачон илм-фанга бу даражада эътиборни кўрмаганман.

Охири йилларда ўқитувчилар учун яратилган имкониятлар, уларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаётганини жамиятда ўқитувчилик касбига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Ўқитувчининг ижтимоий ҳимояси бугун қонун даражасида ўз аксини топди. Анча йиллардан бундан қўтилган "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахририда қабул қилиниши ҳамда ўқитувчининг фаолиятини ноқонуний аралашув учун жавобгарлик масаласи кўйилиши қонунчиликдаги катта янгилик бўлди.

Янги фармон лойиҳасида профессионал таълим тизимида амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизими жорий этилиши, дуал таълим тизими асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш берувчи билан тузилган шартномага мувофиқ иш ҳақи тўлиниши кўрсатиб ўтилган. Бу ёшларнинг етуқ муассасаси бўлиб етишишига жуда катта имконият яратди. Мен дуал таълимни айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги техникумлар мисолида кўз олдимга келтирдим. Агарда агротехнология

техникумлари ўқувчилари ўз амалиётини замонавий агрокластерларда ўтказса ёки ўзларининг тажриба хўжаликларидан миникаластерлар ташкил этишса ва ундаги барча ишларни ўзлари бажаришса, бу, албатта, ижобий самара беради.

Шунингдек, профессионал таълим муассасаларига хорижий мамлакатлардаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўша таълим дастурлари асосида урта бўғин кадрларини тайёрлашни ташкил этиш ваколати берилиши ҳам жуда маъқул бўлди. Чунки, дан ўзгартириб юборди. Ўқитувчининг ижтимоий ҳимояси бугун қонун даражасида ўз аксини топди. Анча йиллардан бундан қўтилган "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахририда қабул қилиниши ҳамда ўқитувчининг фаолиятини ноқонуний аралашув учун жавобгарлик масаласи кўйилиши қонунчиликдаги катта янгилик бўлди.

Янги фармон лойиҳасида профессионал таълим тизимида амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизими жорий этилиши, дуал таълим тизими асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш берувчи билан тузилган шартномага мувофиқ иш ҳақи тўлиниши кўрсатиб ўтилган. Бу ёшларнинг етуқ муассасаси бўлиб етишишига жуда катта имконият яратди. Мен дуал таълимни айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги техникумлар мисолида кўз олдимга келтирдим. Агарда агротехнология

**Низомиддин БОТИРОВ, Оққўрғон туманидаги 8-мактаб директори:**

– Президентимизнинг "Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жаддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони лойиҳаси мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини бутунлай ислоҳ қилиш, янги Ўзбекистонни барпо этишга қодир янги авлод кадрларини тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлардан иборатлиги мени жуда қувватлантирди. Мазкур фармон лойиҳаси таълим тизимидаги кўллаб муаммоларни бартараф этиб, ёшларнинг сифатли билим олишида муҳим аҳамият касб этади. Мен ҳам депутат, ҳам мактаб директори сифатида ўз таклифларимни билдираман.

Жумладан, ўқитувчини мактабга ишга қабул қилишда унинг билим даражасини синовдан ўтказиш зарур. Бунинг учун мактабда шундай ишчи гуруҳ яратилиши, унинг тавсияси билан талаб даражасида бўлмаган ўқитувчи наватдан ташқари малака оширишга ўз ҳисобидан юборилсин.

Ҳозирда сифдаги ўқувчилар сони Вазирлар Маъжасининг 140-сонли қарори билан амалда 35 нафар қилиб белгиланган, аммо, уларнинг сони кўпи билан 25 нафар бўлиши мақсадга мувофиқ.

Эндиликда таянч ўқув режада ҳафталик ўқув юкламаси камайиши ҳисобига ўқитувчининг дарс соатлари ҳам камайдди. Шунинг учун юқори сифдаги бир ставка 20 соатдан 18 соатга, бошлангич синфларда эса 18 соатдан 16 соатга туширилди таълим сифати ошиши таъминланади.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим деб ўйлайман. Яъни, ўқитувчиларга касбий фаолиятдан узилмаган

иштирокида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари журналистлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда вилоят раҳбари ўтган 9 ой якуналаридан келиб чиқиб, вилоятда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ишлар яқини, шунингдек, истиқболдаги вазифалар хусусида батафсил гапириб берди.

Ўз навбатида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, Рустам Холматов вилоят ҳокимлиги ва барча худудий бошқарув органлари бундан бундан ҳам шаффофлик ва ошқоралик тавойиллари асосида ишлаши ҳамда оммавий ахборот воситалари учун ҳамма очиқлигини алоҳида таъкидлади.

ҳолда малака ошириш тизимини яратиш керак.

Шунингдек, 5-синфдан болаларнинг қизиқиши, иқтидорини, қобилиятини ҳисобга олиб ихтисослашган синф очиш, қолган ўқувчиларни амалий дарслар (спорт, касб-хунар)га жалб этиш, албатта, бунда қолган фанлар ҳам ўқитилиши, лекин соддароқ, бола тушунадиган ва амалиётга боғлиқ ҳолда бўлиши лозим.

Аҳамият берсангиз, амалдаги дарсликларда мавзунинг узаро узвийлиги тўлақонли эмас, маълумотлар мураккаблаштириб берилган. Айниқса, 10-11-синфларда мураккаб мавзулар кўп. Балки, 10-11-синф очилганда 9-синфга киритилган мавзуларга қайтмаслик учун шундай қилинган-дир. Шу ўринда энг муҳим жиҳатга эътибор қаратиш, яъни она тили ва адабиёт дарсларини кўпайтириш лозим.

Мактабларда мусиқа асбоблари, спорт анжуманлари, технология фанидан амалий ишларни бажариш учун асбоб-ускуналар етарли эмас. Бу камчиликлар тўлдирилса, болаларнинг мазкур фанларга қизиқиши ортиб, яхшироқ ўзлаштиришидир. Шунда Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббусларини ҳам амалда юқори даражада бажарилиши таъминланади.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири, ўқувчиларнинг сабабсиз дарс қолдириши ёки уй вазибаларини бажармаслигига ўқитувчи билан бирга ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида аниқ бир тартиб ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Асосийси, ҳар бир ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши, англикларни нафақат дарсликдан балки қўшимча манбалар орқали топиб изланиши, ўқувчинини муқтақил фикрлашга, ҳар бир мавзуга ўз муносабатини билдиришга, шунингдек, уни ҳаётда учраши ва қўллашга имкон беришига ўргатиб бориши лозим.

БўКА ВА ЧИНОЗДА СИНОВ-ТАДҚИҚОТ

Шундан келиб чиқиб, жаҳоннинг илгор мамлакатлари тажрибаси, Банержи, Дюфло ва Кремернинг камбағаллиқни қисқартириш бўйича тадқиқот натижалари асосида республиканинг вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Улар томонидан вилоятимизнинг Бўка ва Чиноз туманларида камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини турмуш шaroитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш мақсадида жойларда кузатувлар ўтказилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари 8 кун давомида Бўка туманидаги барча маҳалла-ларда 10-12 тадан жами 504 та, Чиноз туманида 648 та, умумий ҳисобда 1 миң 152 та уй хўжаликларидан кузатувларни амалга ошириди. Унда, асосан, уй хўжаликлари таркиби, аҳоли яшаш шaroити, истеъмол харажатлари, реал даромадлари ва ижтимоий хизматлардан фойдалана олиш имкониятлари, фарзандларнинг таълим олиши сифати, моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббуслари ўрганилди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг ёшига нисбатан бўйи, вазнини ўлчиноб, дарсларни ўзлаштириш лаёқати текширилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Психологлар томонидан эҳтиёжманд оила аъзолари билан индивидуал суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг психологик портретини шакллантириш ва камбағалликдан чиқариш бўйича руҳий рағбатлантириш ишлари амалга оширилди.

Кузатувлар яқини бўйича олинган маълумотлар асосида Ўзбекистонда камбағаллик чегарасини аниқлаш, "яшаш минимуми" ва "истеъмол саватини" бўйича ҳисоб-китоб ишлари яқини етказилади. Аҳолининг базавий истеъмол харажатлари ва камбағаллик чегараси мезонини ҳисоблашни амалиётга жорий этилади.

А. МУСАЕВ, ЎЗА

КўМИР МУАММОСИ БўЛМАСЛИГИ ШАРТ!

Бугунги кунда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида 764 тонна, мактабгача таълим бошқармаси тизимида 911 тонна, ҳалқ таълими бошқармаси тизимида 6 миң 899 тонна ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари тизимида 184 тонна кўмир етказиб берилган.

Шунингдек, ҳозирда вилоят аҳолиси эҳтиёжлари учун 10 та туман ва шаҳар бўйлаб 6 миң 859 тонна кўмир омборхоналарга етказилиб, 5 миң 21 тоннаси тарқатилган.

Мазкур жараёнда кўмир маҳсулотларини ҳар бир маҳалла (оила) кесимида тўғри тақсимлашни, бунда худуднинг олис ва газлашмаганлиги инобатга олинми, биринчи навбатда моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга бериш бўйича ички ишлар ва солиқ идораларидан вакиллар бириктирилган.

Жумладан, вилоятдаги прокурорлар секторидан бугунги кунда 262 та маҳалла фуқаролар йиғинлари худудидида оилаларнинг кўмир маҳсулотига бўлган эҳтиёжи ўрганилганида жами 6 миң 744 та оиланинг 14 миң 139,9 тонна, шундан 508 та эҳтиёжманд оиланинг 639,4 тонна кўмир ёқилгусига эҳтиёжи борлиги аниқланди. Уларнинг рўйхати шакллантирилди ва ҳозирда бир қисмига кўмир етказиб берилди. Айни пайтда бу жараён давом этмоқда.

Ҳозирда мутасадди идораларни жалб этган ҳолда кўмир

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

маҳсулотларини ташши, етказиб бериш, тақсимлаш ва сотиш жараёнида коррупцион ҳолатлар, талон-тороқ қилиш ҳамда нархларни асоссиз равишда ошириш ёки устама нархлар билан сотиш ҳолатларини фош этиш бўйича иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти вилоят бошқармасида тезкор штаб тузилиб, тезкор-қидирув тадбирлари олиб бериломоқда.

Штаб томонидан вилоят ҳудудида жойлашган "Ўзбекўмир" АЖ омборлари орқали аҳоли ҳамда бюджет ташкилотлари учун 1 тонна кўмир 300 миң 300 сўмдан қатъий белгиланган чакана нархда сотилиши назоратга олинган.

Шунингдек, тадбиркорлар томонидан эркин нархларда реализация қилинадиган кўмир маҳсулотлари импорт қилингани ёки товар-ҳом ашё биржаси орқали сотиб олинганлигига аниқлик киритиб келинмоқда.

Ушбу йўналишда вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида масъул шахсларнинг 41 нафари қонунбузилишига йўл қўймадик ҳақида расман огоҳлантирилди.

Ҳозирда ижтимоий соҳа объектига етказиб берилган кўмирнинг сифати ва сақлаш шароитлари ўрганилмоқда ҳамда аҳолига режадаги кўмирнинг қолган қисмини ўз вақтида, ҳавфсиз ҳамда тўлиқ ҳажмларда етказиб берилиши назоратга олинган.

А. МУХИДДИНОВ, Бош прокурори бошқарма катта прокурори

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Ноёб ва қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқаришга туртки берапти

– Куни кеча қишлоқ хўжалиги техникалари учун жамланган қаттиқ қоғашли пайвандланувчи функционал градиентли материалдан тайёрланган пластина ишлаб чиқарилди, – деди марказнинг Нанотехнологиялар, композизит ва истиқболли материаллар лабораторияси мудири, ёш олим Амир Обидов. – Илмий изланишларимиз натижасида лаборатория шароитида вольфрамни ва мис нишонлар ишлаб чиқаришди. Шунингдек, яна янги маҳсулотларимиз – вольфрам ва молибден нанокўкунларидир. Ушбу маҳсулотларимиз комбинат конларида ишла-

тиладиган бургулаш ускуналарнинг коронкаларига қўшилади. Бу зичлиқни ошириб, бўшлиқни тўлдириб бориб, материал мустаҳкамлигини таъминлайди ва коронкани узоқ муддат ишлашига сабаб бўлади.

Яқинда марказга ускуналар олиб келинишининг 3-бошқичи доирасида 3D технологияли принтер ҳам келтирилади. Ушбу принтернинг ишлаш асосини нанокўкунлар ташкил этади. Биз ушбу принтерга ҳозирда хом ашё ҳам тайёрлаёмиз. Жаҳон бозорига 1 кг. вольфрам 30 доллар турса, нанокўкун ундан 10 баравар қиммат туради. 250 граммлик нишонинг баҳоси эса миң



долларга боради. Гамма нурланишда тайёрланган нишон эса ундан ҳам қиммат. 3D технологияси асосида жағ ёки суюқ имплантлари тайёрланади. Зеро, уларнинг ҳам баҳоси юқори. Яна бир янги маҳсулотимиз – керамика нишонлар. Ушбу нишонлар рух оксидли, индий, қалай оксидли қопламалар олиш учун ишлатилади. Бу бизда аввал бўлмаган. Бу йўналишда илк қадамни қўйдик. Ушбу қопламалар смартфон, телевизор, компьютер экранларининг юза

қисмида фойдаланилади. Шаффоф, тоқни ўтказувчан қопламалар светодиодлар ениши учун зарур бўлади.

Ҳозирда марказнинг кутубхонасида металлургия бўйича 28 миң донда йиғма жилдлар, илмий ишлар, техник адабиётлар бор.

Шу кунги журналистлар марказнинг тажриба-синов цехида ҳам бўлиб, ўтказилган экспериментлар билан яқиндан танишишди.

Зухриддин РАҲИМОНОВ /Тошкент ҲАҚИҚАТИ/ Аббор ЭСОҚОНОВ оилан суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорларни қийнаётган муаммоларга ижобий ечим топишда Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан ҳудудларда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг тадбиркорлар муражжатларини кўриб чиқиш қабулхоналари муҳим ўрин тутаяпти.

Буни биргина, Оққўрғон туманидаги Бош вазир қабулхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, қабулхонага

таркибига киритилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун уларни лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш бўйича юқори турувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тақлифлар киритиш ваколати берилган.

Бугунги кунда Қабулхона тақлифи асосида муражжатларни белгиланган муддатда кўриб чиқмаган масъул ходимларнинг 8 нафарига "Иш берувчи" ташкилот раҳбарлари томонидан Меҳнат

**Бугунги кунда хусусий сектор нафақат мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантириш, балки аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиляпти.**

## Сарҳисоб | ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

жорий йилнинг 9 ойи давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 214 та муражжат келиб тушган. Уларнинг тахлили шуни кўрсатмоқдаки, муражжатлардаги 248 та масаланинг 10 таси (4 фоизи) республика, 72 таси (29 фоизи) вилоят ва 166 таси (67 фоизи) туман даражасидаги муаммолардир.

Мазкур муражжатларнинг 80 таси банк кредит, 34 таси ер қадаси, архитектура ва қурилиш, 9 таси солиқ масалалари, 2 таси инфратузилма тармоқларига улаш ҳамда 123 таси бошқа масалаларга тўғри келмоқда.

Уттан давр мобайнида ҳудудлар кесимида келиб тушган жами 214 та муражжатдаги 248 та масаланинг 245 таси (98,5 фоизи) ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилди. Шундан 120 та масала ижобий ҳал этилган, 120 таси бўйича тушунтириш берилиб, 5 таси рад этилди, 3 та муражжат эса кўриб чиқиш жараёнида.

Кези келганда айтиш керакики, "Туманлар ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муражжатларини кўриб чиқиш қабулхоналари тўғрисида"ги низомида Тадбиркорлар муражжатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига тадбиркорлик субъектлари ҳамда чет эллик инвесторлар муражжатларини кўриб чиқиш бўйича тегишли ишчи гуруҳ

Кодекснинг тегишли моддалари билан "хайфсо" ва "жарима жазолари" қўлланилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳамда ҳар бир туман (шаҳар)лардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муражжатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳузурида фаол тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакилларидан иборат тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгаши ташкил этилиши белгиланган эди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Оққўрғон туманидаги Бош вазир қабулхонаси ҳузурида туманда фаолият юритаётган фаол тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакилларидан иборат тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгаши ташкил этилиши белгиланган эди.

Шу кунга қадар Қабулхонада бир неча мартаба жамоатчилик кенгаши йиғилиши ўтказилиб, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ ва гов бўлаётган муаммоларни бар-тароф этиш бўйича тақлифлар тақдим этилди.

**Р. КАМАЛОВ,**  
Бош вазирнинг  
Оққўрғон туманидаги  
қабулхонаси мудири

**Дунёда қайд қилинган коронавирусга чалинмиш ҳолати 45 миллион кишидан ошди, деб маълум қилди Жонс Хопкинс университети. Мазкур илмий марказ АҚШда федерал ва маҳаллий ҳуқуқатлар ҳамда ОАВ ва бошқа очиқ манбалардан тарқатилган маълумотларни умумлаштириб боради.**

**Университетнинг маълумотига кўра, ҳозиргача дунёда COVID-19га чалинган 1 миллион 186 минг 385 бемор вафот этган.**

**Коронавирусга энг кўп чалинган беморлар АҚШда қайд қилинди, ундан кейин Ҳиндистон ва Бразилия бормоқда.**

Пандемия тўлқинининг ягона илмий таърифи йўқ. Англиянинг Уорик университети юкумли касалликларни математик моделлаштириш бўйича мутахассиси Майк Тилдеслиннинг фикрига кўра, уни худди денгиз тўлқинларига ўхшатиш мумкин. Касалланганлар сони бир кўпайиб, бир камаяди: ҳар бир бундай цикл корона-вирус "тўлқини"дир.

Агар янги ҳолатлар сони доимий ошиб бораверса, иккинчи тўлқиннинг бошланиши ҳақида гапириш мумкин. Шу ўринда, бир неча асрлар олдин Испания гриппи пандемиясининг иккинчи тўлқини биринчисига қараганда кўпроқ зиён келтирганини унутмаслик керак.

**У ҚАЧОН СОДИР БЎЛАДИ?**

Бу кўринмас вирус қаршида бошини чангаллаб қолган дунё олимлари ўртасида ҳам иккинчи тўлқиннинг содир бўлиши ёки бўлмаслиги бўйича баҳслар давом этмоқда. Масалан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фавкулдада вазиятлар бўйича худудий директори Дорит Нитсаннинг маълум қилишича, коронавируснинг тур ва шакллари пандемиянинг ҳеч қандай иккинчи тўлқини йўқлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, Нитсан дунё аҳолисининг атиги 5 фоизигина касалликка чалинганини, аммо мана шу 5 фоиз одамлар қаттиқ азобланиётгани, уларнинг ҳаёти вафот остида эканини айтиб ўтган. Бироқ, Шифокорларнинг бутунжаҳон касаба уюшмаси собиқ раҳбари, профессор Леонид Эйдельманнинг фикрича, коронавируснинг янги – иккинчи тўлқини ноябрь-декабрь ойларида юз бериши мумкин. Касалликнинг янги тўлқинига жиддий тайёрганиш лозим, чунки у "COVID-19" аломатларига ўхшаш мавсумий ўткир респиратор вирус инфекцияси (ОРВИ) билан янада мураккаблашиши мумкин. Сабоби, нафас йўллари касалликлари кўпайиши туфайли йўталаётган, актирланган беморларни коронавирусга чалинганлардан фарқлаш қийин бўлади. Шунингдек, унинг фикрича, кузги тўлқин карантин чекловлари қисман бекор қилингани сабабли ёзгисидан кучлироқ бўлади.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги икки ҳафта ичида дунё бўйича тождор вирусни юктириш ҳолатлари кескин кўпайган. Ҳатто, айрим мамлакатлар коронавирус пандемиясининг иккинчи тўлқини бошланганини эълон қилмоқда. Мисол учун, Жанубий Корея касалликлар назорати ва профилактикаси марказлари раҳбари Чжон Ин Кен мамлакатда коронавируснинг иккинчи тўлқини бошланганини аплақачон маълум қилган. Шифокорлар иккинчи тўлқинга карантин чораларининг бўшаштирилганини сабаб қилиб кўрсатишган.

«The Independent» нашрининг ёзишича, Буюк Британия бош вазири Борис Жонсон ҳам мамлакатда корона-вируснинг иккинчи тўлқини бошланганини маълум қилган.

– Биз иккинчи тўлқинга рўбарў келмоқдамиз, – дейди Жонсон. – Бундан қутулиш иложсиз, деб кўркаман – у билан тўқнашамиз. Кенг кўламли чекловларни жорий этишни умуман истамайман, мактаблар очик қолиши тарафдоримиз, умуман, ўқув муассасалари фаолияти тикланишининг

ни бошланган, изоляция борасидаги тавсияларга амал қилинмаса, вазият ёмонлашиши мумкин. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Жастин Трюдо маълум қилган.

– Биз баҳордагидан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкин бўлган қўлаш ёқасида турибмиз. Иккинчи тўлқинни назорат остига олиш имкониятимиз бор. Буни уйдлашга ҳаракат қиламиз, – дейди бош вазир

Маълумотларга кўра, иккинчи тўлқин Канаданинг тўртта йирик про-

## Коронавирус: ОФАТНИНГ ОХИРИ БОРМИ?

ўзи фантастика. Ишлаб чиқариш имкон қадар ёпилмаслиги, бизнес ривожланишдан тўхтамаслигини истаймиз.

Жонсоннинг таъкидлашича, миллий карантиннинг жорий этилиши коронавирусга қарши энг сўнгги чора бўлади, касалланишлар сони кескин ўсаётганига қа-

винциясида бошланган. Шунингдек, Туркия ва Украинада ҳам коронавирусга чалиниш ҳолатлари ортгани сабаб карантин чекловлари яна кучайтирилган. Арманистонда эса карантин чоралари 11 январга қадар узайтирилган. Чехия ва Австрияда ҳам коронавируснинг иккинчи тўлқини хужум қилмоқда.

Бу эса пандемия даврида "Буюк ёпилиш" атамаси билан кириб келган иқтисодий инқироз халқро ҳўжалик алоқаларида "қиймат занжирлари"ни узилиши билан бирга хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, унда ҳам талаб, ҳам тақлиф инқирози билан бирга тарихдаги энг катта ишсизлик муаммоси ҳам қузатилмоқда.

Хусусан, Халқро меҳнат ташкилотининг 2020 йил 1 чорак якуни бўйича эълон қилган мониторинг натижаларига кўра, "COVID-19" пандемияси 2,7 млрд. иш ўринларининг тўлиқ ёки қисман ёпилишига олиб келган. Яъни, дунё бўйича камбағаллар сони қарий 2 бараварга ёки 500 миллион кишига қўпайиши хавфи юзага келмоқда.

**ОЛИМЛАР НИМА ДЕЙДИ...?**  
"Global Times" нашрининг ёзиши-



рамай, ҳозирча қаттиқ карантин ҳақида гап бўлиши мумкин эмас – Британияда вазият тўлиқ ҳуқумат назорати остида.

Европада коронавирусдан энг кўп зарар кўрган мамлакат Италияда ҳам суткалик касалланиш ҳолатлари кўпайди.

Европа интенсив терапия ҳамжамияти профессори Жозеф Кеэжюоглу иккинчи тўлқин юз бериши аниқлигига ишора қилиб, бу ўтган сафардагидек ёмон бўлмаслигига умид қилмоқда.

Германия ҳам айрим карантин чораларини бекор қилишни бошлаган эди. Бироқ, касаллик яна авж олмақда ва шу сабабли айрим ҳудудлар қайта изоляция қилинапти.

"Reuters" ахборот агентлигининг хабар беришича, Канадада ҳам корона-вирус эпидемиясининг иккинчи тўлқини



винциясида бошланган. Шунингдек, Туркия ва Украинада ҳам коронавирусга чалиниш ҳолатлари ортгани сабаб карантин чекловлари яна кучайтирилган. Арманистонда эса карантин чоралари 11 январга қадар узайтирилган. Чехия ва Австрияда ҳам коронавируснинг иккинчи тўлқини хужум қилмоқда.

Бу эса пандемия даврида "Буюк ёпилиш" атамаси билан кириб келган иқтисодий инқироз халқро ҳўжалик алоқаларида "қиймат занжирлари"ни узилиши билан бирга хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, унда ҳам талаб, ҳам тақлиф инқирози билан бирга тарихдаги энг катта ишсизлик муаммоси ҳам қузатилмоқда.

Хусусан, Халқро меҳнат ташкилотининг 2020 йил 1 чорак якуни бўйича эълон қилган мониторинг натижаларига кўра, "COVID-19" пандемияси 2,7 млрд. иш ўринларининг тўлиқ ёки қисман ёпилишига олиб келган. Яъни, дунё бўйича камбағаллар сони қарий 2 бараварга ёки 500 миллион кишига қўпайиши хавфи юзага келмоқда.

**ОЛИМЛАР НИМА ДЕЙДИ...?**  
"Global Times" нашрининг ёзиши-

## Халқро шарҳ

ча, дунёни коронавируснинг иккинчи тўлқинидан оголантираётган хитойлик олимлар карантин режимининг кенг қўлама бекор қилинаётганига қарамай, "COVID-19"дан ҳимояланиш бўйича талабларни сусайтирмасликка чакирмоқда.

Шунингдек, улар чегараларни очиш масаласида шовмаслиқни маслаҳат беришди. Яъни, касалликнинг юқори даражаси қайд этилган мамлакатларга саёҳат ва хизмат сафарларини чеклаш мумкин.

Хитойнинг ўзига келса, олимлар эпидемияга қарши ўрнатилган ички тўсиқларни жуда самарали деб таъкидлашмоқда. Бу касаллик юктирилганларни ўз вақтида аниқлаш уларнинг алоқаларини қузатиб бориш ҳамда беморларни изоляция қилиш орқали таъминланади.

Россия бош инфекционисти, Сеченов университети профессори Владимир Чуланов эса, коронавирусга қарши курашда кўпроқ антисептиклардан фойдаланиш ва ниқоб тақиш жуда зарурлигини таъкидлаган. Шу билан бирга қўлқоп тақиш самарали эмаслиги, негаки, барча ҳам уни тўғри ечиш ва утилизация қилишни билмаслигини ҳам қайд қилган.

**БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ... ФАРҚИ НИМАДА?**

Одатда, совуқ мавсумда вируслар тез тарқалишини ҳисобга олсақ, қишда қийин бўлиши мумкин. Бу Ноттингем университетининг вирусологи, профессор Жонатан Боллинг қарашлари. Унинг фикрича, вақт ўтиши билан вируслар бир ташувчидан иккинчисига уларни ўлдирмасдан тез тарқалиш учун заифлашади. Аммо, ҳеч қандай кафолат йўқ. Пандемия қарий бир йилдан бери давом этмоқда ва шу вақтгача вирус эрта тарқалиши учун мутағияга учраганлиги тўғрисида аниқ далиллар топилмаган.

Россияда ҳам коронавирус билан касалланишининг иккинчи тўлқини бошланган. Ҳар қуни мамлакатда тахминан 17,5 мингтадан кўпроқ касалланиш ҳолати аниқланмоқда. Медуза нашри COVID-19 билан касалланган беморларни даволаётган тиббиёт ходимлари билан касалхоналардаги ҳозирги ҳолат ҳақида суҳбатлашди. Санкт-Петербургдаги касалхонада ишлайдиган шифокор Пётр ўз фикр-муоҳазалари билан бўлишди:

"Иккинчи тўлқин аллақачон тезлаша бошлади – худди апрелдагидек. Ўйлайманки, раҳбариятимиз хатосини иккинчи марта такрорламайди – энди уларнинг тайёргарлиги яхшироқ. Бу сафар ҳаммаси энгилроқ бўлади, деган умиддаман.

Ҳозир биз вакцинани кутяпмиз. Аммо, барибир жуда ташвишдамиз, чунки олдинда бизни нима кутаётганини билмаймиз. Умуман олганда, барча жуда чарчади ва бу вирус ўз яқинларини четлаб ўтишини хоҳлаб қолди, холос. Шуниси аниқки, коронавирусга энгил қара бўлмайди. Айна энгил-таклик бизни иккинчи тўлқинга олиб келди."

**Мафтуна СУННАТИЛЛАЕВА**  
Тошкент ҳақиқати/  
тайёрлади

## Вилоят бўйлаб

**НУРАФШОН шаҳар** ҳокими Голландия давлатининг "Lumidea Engineering B.V" компанияси вакиллари билан учрашди.



Учрашувда меҳмонларга шаҳарда амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Хорижий меҳмонлар иқтисодий-ижтимоий соҳаларга оид долзарб лойиҳаларга қизиқиш билдириб, "ақлли шаҳар" концепцияси асосида қурилиши режалаштирилаётган Тошкент вилоятининг маъмурий маркази – "Smart city" ҳудудида кўп тармоқли савдо маркази ҳамда Эко-бозор қуриш учун ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

**БЎСТОНЛИҚ тумани** ҳокими аҳолини қийнаётган ва ечимини кутаётган муаммоларини ҳал этиш мақсадида фуқароларни қабул қилди.

Қабулда 15 нафарга яқин жисмоний ва юридик шахсларнинг ер майдонлари ажратиш, уй-жой ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам бериш ҳамда тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ муражжатларни кўриб чиқилди ва аксарияти жойида ҳал қилинди.

**ОҚҚЎРҒОН тумани** "Тортувли" маҳалла фуқаролар йиғинида касб-хунарга ўргатиш масканининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда тикувчилик, компьютер саводхонлиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби курслари ташкил этилган.




**ҚИБРАЙ тумани** ҳокими ташаббуси билан "Салар ГЭС" маҳалласида истиқомат қилувчи, 1923 йилда туғилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

А. Атакаевнинг ҳолидан хабар олиниб, унга ногиронлик аравачаси топширилди.

Уруш қатнашчиси ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулот-

лари билан таъминланмоқда. Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан доимий патронаж ҳамшираси бириктирилган.



**ОЛМАЛИҚ шаҳрида** 10-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Муассасадаги гуруҳ хоналари доимий тарзда дезинфекция қилиниб, боғчага кириш-чиқиш жойларни пирометрлар, антисептик воситалар билан таъминланган.

Боғчага бириктирилган тиббиёт ходимлари педагоглар ва болаларнинг соғлигини назорат қилиб, тана ҳароратларини мунтазам текшириб туришибди.

Оқангарон туранида "Серкақирлиди" номли қишлоқ бор. Унда яшовчи Зуфар Мирзаев ўзи ясаган роботлар билан турли танловларда иштирок этиб келмоқда. Хусусан, "Youth techno art" халқаро фестивалида робототехника йўна-

лишида ғолиблар қаторида бўлди, "Кашфиётчи болалар" республика кўриқ-танловида иккинчи ўринни эгаллади. Яқинда мактабни тамомлаган ихтирочи йигит билан танишиш мақсадида уни қидириб бордик.



Изланиш

ган бўлиб, дайди ўқларга қарши туриш, душманлар сонини аниқлаш вазифалари юкланган эди. Аммо, программасида ноаниқликлар бор эди. Унга кетказган вақтимга ачиндим. Кераксиз буюмга айланган бу ма- тоҳни ташлаб юбордим.

Менинг энг катта мақсадим – инсонларга фойдаси тегадиган техникалар ясаш. Шу йўлда тинимсиз ҳаракатдаман. Ҳозирги кунда шаҳардаги ўқув марказида ишлаяпман. Истаган роботимни ясайман, программалаштириш ишлари орқали даромад ҳам топяпман. Тайёрлов курсига ҳам борапман. Бу йил балим етмади. Аммо, келаси йил, албатта, талаба бўламан.

Ёш қаҳрамонимиз мағлубиятдан ҳам руҳлана оладиганлардан экан. У доимо Стив Жобснинг қайтмаслик хислатига ҳавас қилган: "Жобснинг луғатида "йўқ" деган сўзнинг ўзи йўқ. Менда ҳам шундай бўлиши керак", деган ширда доимо олдинга интилади. Унинг келажак орзуларини тинглаб, бу йигитдаги шижоатга лол қоласиз. Шу кетишида, Зуфарбек ўзи истагандек катта бир компаниянинг асосчиси, илгор ва замонавий раҳбари бўлишига ишонамиз.

Мадина АБДУСАМАТОВА /Тошкент ҳақиқати/ ёзиб олди.

Стив ЖОБСНИНГ ОҚАНГАРОНЛИК ШОГИРДИ

– 3 синфда ўқиётганимда гугурт қутисидан ўйинчоқ машина ясаган- дим. Қутичани очиб ёпганда унинг чироқлари ёнарди. Бу "кашфиёт"им учун устозим аъло баҳо қўйишига ишонардим. Дарсда ўртоқларим ўз ишларини кўрсатишди: оддий болгача ясаб келган синфдошим 5 баҳо олди, мен эса қониқарли. Катта синфга ўтганимда, олдинга ва орқага ҳаракатланадиган, кўшиқ айтадиган робот ясадим. Бу роботим билан "Баркамол авлод" танловида қатнашиб, биринчиликни олдим, аммо мусобақанинг вилоят босқичида мағлуб бўлдим. Гап нимадали- гини тушунмадим. Лекин, мактабни тамом- лаганимча катта-кичик ўйинчоқ ва техник жиҳозлар ясайвердим. Кейинроқ устозим тушунтирдилар. Аввал ясаганларим ақлсиз нарсалар бўлган. Шунчаки чироғи ўчиб-ё- ниб, унганчага юриб, кўзни қувонтирарди, холос. Ҳозир эса ақлли, кўпчиликлари фойда- си тегадиган роботлар ясапман.

Яқинда болалар билан офицант робот ясади. Мониторда уч тилдаги ёзувлар чиқади. Унинг махсус йўлакчаси бўлиб, буюр- турма қилинган махсуслотларни олиб келиб бериш функцияси ҳам бор. Албатта, хо- рижда ва ўзимизда бундай роботлар ихти- ро

қилиб бўлинган. Бироқ, унга қўшимча янги- ликлар киритиб, имкониятлар бериб ода- мларни қизиқтириш мумкин. Ишонсангиз, ўша роботни яхшигина нархга сотиб юбордим. Ундан кейин ис газини аниқлайдиган робот ясадим. Бу робот хонада ҳаракатланади ва ис газини сезганда, ўткир частотали сигнал беради. Унга яна бир янги функция қўш- моқчиман. Яъни, уйдан қандайдир нохуш хид келганда хонадон эгасининг телефон рақамига хабар юборади. Шу орқали турли фалокатли ҳолатларнинг олди олинишини уйлагандим.

Ҳозирда яна бир лойиҳа устида иш олиб борапман. Беморлар, айниқса, катта ёшда-

гилар кўпинча вақтида дориларини ичишни унутиб қўйишади. Бу эса давопанишга акс таъсир кўрсатади. Бизнинг "шифокор робот" қутчасига дориларни солиб қўйсангиз бўл- ди. У белгиланган вақтда дориларни чиқа- ради ва сув ҳам қўйиб беради. Бу роботни ҳам мукамаллаштирмақчиман.

Лекин, ясаганимдан афсусланадиган ишларим ҳам бор. Шулардан бири "аскар робот": у уруш майдони учун мўлжаллан-

кетаркан. Аммо, бирги- на Саломат исми қиз билан Абдуллоҳ деган йигит тирик қолишаркан. Улар турли жойда бўлиб, бир-бирларини жуда узоқ кидириб, охири топишар-

Ажаб сирлар

– Вой, анув биззи маҳалладаги Саломат ти- рик қолишми? – деди- ларда кейин лабларини буриб: – Ўшандан бошқа- си йўқ эканми? – деб қўй- дилар.

Ҳаммамиз қулишдик. Менинг ҳам Саломат исми- ли ўртоғим бўларди. Ўша бўлса, деган ўй хаёлим- дан ўтди.

Шунда катта аммам: – Ишқилиб, шунақа дейишганда, қайси Сало- мат тирик қолишини Ху- донинг ўзи билади, – деб мавзуну "ёлдилар".

Шу-шу мен Саломат исми қизларга қандайдир ҳурмат ва қизиқиниш би- лан қарайдиган бўлдим. "Қари билганини пари бил- мас" дейишадик, балки ростдан ҳам шундай бўл- са-я...

Саломат бўлинглар, Саломатлар! Мухлиса РАҲМАТ

Тирик сатрлар. Омон МАТЖОН, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ. Умр ўтар, вақт ўтар, Хонлар ўтар, тахт ўтар, Омад ўтар, бахт ўтар, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Сенинг юришларинг, Сенинг қулишларинг. Баҳорда боғ на гўзал, Қор тушса тоғ на гўзал, Бу ёшлик чоғ на гўзал, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Сўзсиз қарашларинг, Ҳолим сўрашларинг. Ой чиқар гоҳ заҳоли, Дўстлар кўндир вафоли, Ҳаёт шундан сафоли, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Сокин сўзлашларинг, Пинҳон излашларинг. Умр – йўл, қайрилиш кўп, Учрашиш, айрилиш кўп, Унутуш, айтилуш кўп, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Ўша қулишларинг, Ўша келишларинг... 1979 йил

Янги китоб "Сўз хиёбони" да сайр этинг



"Фан" нашриёти тилимизнинг ўзи- га хос жиҳатларини тараннум этган "Сўз хиёбони" китобини чоп этди.

Қирғизбоев масъул муҳаррирлигида чоп этилган. Китобда адабларнинг сўз таърифида- ги фикр-мулоҳазалари, уларнинг бадий сўз, асарлари тили тўғрисида адабиётшу- нос, тилшунос олимлар ёзган мақолалар жамланган. Мажмуа она тилимиз қадр, адабий тилнинг тараққиёт босқичларида мумтоз ва замонавий адабларнинг тари- хий хизматларини тасаввур қилишга ёр- дам беради. Ёш филолог олимлар, бўла- жак ижодкорлар, умуман, бадий сўзга бефарқ бўлмаган барча китобхонлар учун мазкур китоб қизиқарли бўлиши табиий.

Ўзбек тили – қудратли тил. Бир неча асрилик шонли тарихга эга тилимизнинг ўз нозикликлари, жиҳоси, залвори бор, дея таърифлашади тилшунос олимлар. Китоб- ни мутлаа қилсангиз, ушбуларнинг нақ- дар тўғри эканлигини англайсиз. Китоб филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов томони- дан нашрга тайёрланган, тарих фан- лари доктори, профессор Абдуғаффор

Сиз ўша Саломатми? зиқ-қизиқ гаплардан гапи- риб ўтирардилар, ундан кейингилари – Матлуба аммам эса у кишининг гап- ларини ё тасдиқлаб, ё ин- кор қилиб турардилар. Бир кун Жаннат аммам бувларидан ашит- ган бир воқеани гапириб бердилар. ...Вақтики охир замон бўлганда ҳаммаёқ кунпа- якун бўлиб дунёда тирик зот қолмас экан, одамлар ҳам бутунлай йўқ бўлиб

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖАНГ БЕКОР ҚИЛИНДИ УФК жангчиси Маҳмуд Муродов бугун Лас-Вегасда америкалик Ке- вин Алан Холландга қарши октагонга кўтарилиши лозим эди. Бироқ, спортчимиз ўз инстаграм саҳи- фасида ушбу жанг бекор бўлганини маълум қилди. Бунга унинг коронавирусга ча- лингани сабаб бўлган.

охирги тургача қизийдиган кўринад. Асосий кураш айнан ОКМК ва "Насаф" ўртасида кечиши кутилмоқда. ОКМК навбатдаги турни ўз майдонида "Пахта- кор"га қарши ўтказди, "Насаф" ҳам бу тур ўз майдонида ўйнайди. Қаршилик- лар турнир жадвалида 4-ўринни эгал- лаб турган "Кўкун-1912"ни қабул қили- шади.

ШОМУРОДОВ ЖАРОҲАТ ОЛДИ Ҳамюртимиз Элдор Шомуродов Италия кубоги доирасида жамоаси сафида жароҳат олди. Энди ҳужум- чимиз Италия А серияси 6-тур дои- расидаги "Сампдория" – "Женоа" ўйинида майдонга тушмайди. Унинг қачон саф- га қайтиши маълум эмас.

Эслатиб ўтаемиз, Генуя дербиси 1 ноярб кун бўлиб ўтади. Уйин Тошкент вақти билан соат 00:45 да бош- ланади. Шомуродов бунга қадар Италия А серияси доирасидаги "Верона" ва "Ин- тер"га қарши ўйинларда майдонга туш- ганди.

Сухробжон САДИРОВ /Тошкент ҳақиқати/

КЕТМА-КЕТ ИККИ МАҒЛУБИЯТ Миржалол Қосимов бошқарувидаги ОКМК жамоаси бу йил кучли учликни кўзламоқда. Бироқ, клуб охириги икки тур- да битта ҳам гол ура олмаддан мағлу- биятга учради. Олмаликликлар дастлаб Қаршида "Насаф"га, сўнгра Кўкунда "Кўкун-1912"га им- кониятни бой беришди. Кет- ма-кет икки мағлубият са- баб, ОКМК тур- нир жадвалининг учинчи поғонасига тушиб қолди. "Насаф" эса аксинча, ўтган икки турда ғалаба қо- зониб, иккинчи ўринга кўтарилиб олди. Бу йил кумуш медаллар учун кураш

Шанба ҳажвияси

Куз. Далаларда йғим-терим ав- жига чиққан палла. Бунақа ишларга ташкилотлардан ҳашарчи ходимлар жалб қилинадиган, ҳамма бунақа бошорикдан қочадиган пайтлар. Шундай кунларнинг бирида бошлиқ ҳаммани ҳайхотдай хонасига йигди. Куз эмасми, ҳаво бирданга ўзгара бошлади.

– Ҳаммамизни тўппаламай, ўзин- гиз ҳал қилиб қўя қолмабсиз-да. Сиз бир нима десангиз, ҳеч ким қарши- лик қилмайди. – Тўғри, бошлимизнинг гапи- ни ҳеч ким икки қилмайди, — деди «лик-ликхон» лақабли ўрта яедар хоним гугурт қутисидек рўмолчаси-

Кадрлар бўлими бошлиғи гапни қўзиб ўтирмади: – Мен жон-жон деб борардим, аммо аллергиям бор. Бор десала- ринг, боравераман. Ўзларинг ҳал қилинглр. Бош ҳисобчининг янги ўринбо- сари – Ҳилола Ҳимматовна норози бир қиёфада шахд билан ўрнидан турди: – Раҳматли дадажоним шу кор- хонада ўттиз йил раҳбар бўлганлар. Ҳеч бўлмаса шу кишининг ҳурмати-

на ўрнидан турдию ҳаммани лол қолдирди. – Акажонлар, опагонлар, бекор- га тортишиб ўтирибсизлар-а. Мана, мен, ёшман, уйимда бир этак болам, қаерда эдинг, ким билан эдинг, деб сўрайдиган эрим ҳам йўқ. Соғлигим яхши, йўтал нима, аллергия нима – умиримда билмаганман. Так что, қа- ерга бор десаларинг, боравераман... Булутларнинг чоки сўқилдию кўёш чарақлаб кетди. Деразадан кираётган нур бошлиқ юзини янада кўримли қилиб юборди. У вақимлик билан жойига ўтирди ва шошилмай гап бошлади: – Ўртоқлар, ҳаммангиз очик-ой- дин гапирганингиз учун раҳмат. Гап шундаки, келаси ҳафта дам олишга кетаяпман. Соғлиқни тикламасам бўлмайди, врачлар қўйишмаяпти. Мен юқори ташкилотимиздан ку- рортта битта йўлланма сўраган эдим, қарангки, иккита ажратишиб- ди. Биттаси бекорга қўйиб кетиши мумкин. Шу иккинчи йўлланмани кимга берсак экан, деб роса бошим қотган эди, мана, маслаҳат билан адолатли ҳал қилиб олдик. Раҳмат сизларга, йилгилиш тамом...

ЭГАСИ ТОПИЛДИ...

– Уртоқлар, бугун сизлар билан бир муҳим масалани ҳал қилиб олишимиз керак. Умуман олганда, ишларимиз ёмон эмас. Режаларни бажариб турибмиз. Буёқда "пахта сиебати" ҳам қаттиқ бўляпти. Сизларни яхши биламан, бизда бекорчи одам йўқ, ҳаммаларингиз ишингиз- ни билиб қиласиз. Хабарингиз бор, иложи борича яхши ишлаганларни рағбатлантириб турибмиз. Аммо, бугун ичимиздан бир кишини ажрат- тишимиз керак. Биламан, бу жуда оғир масала, шундай бўлса-да сиз- ларнинг ёрдамингизга муҳтожман... Қани, кимини?.. Совуқ шамол турди. Дераза- нинг очик кўзидан хонага баданни жунжиқтирувчи шабада кириб кел- ди. Биринчи бўлиб корхонамизнинг «тоғи», яъни фахрий раис ўрнидан кўзғолмай гап бошлади:

– Ҳаммамиз ҳам шу, – деди «лик-ликхон»нинг сўзини бўлди ҳисобчи опа. – Бешта бола билан менга осон дейсизларми? Азба- роий иш деб, югураман-еламан, ти- нин билмайман. Бунинг устига бо- лалар бири қўйиб иккинчиси ҳали шамоллайди, ҳали иситма қилади. Мана, орамизда қанча ёшлар бор, боришин, тоза ҳаводан нафас олишин, соғлиқларига фойда...

ни қилинглр... Ҳавонинг авзойи жиддий бузил- ди. Ташқарида шаррос қуяётган ёмғир овози хонада баралла эши- тила бошлади. Бошлиқ нима дейи- шини билмай, дераза ёнига келиб, ходимларга бирма-бир тикилиб чиқди. Бир пайт бундан атиги икки ҳафта олдин ишга келган янги ко- тибга – Гуленка сакраб, мулойимги-

Мухаммад СОДИҚ

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА. Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ. Бош муҳаррир: Ғайрат ШЕРАЛИЕВ. Таърифлар: Қабулхона: (71) 233-64-95; Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10; Маъсул котиб: (71) 233-90-82; Булим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08; Ўзлонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10. Манзилими: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисими: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Навбатчи муҳаррир: Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА. Назоратчи мусаҳҳи: Аллома АЗИЗОВА. Навбатчи: Зухриддин РАҲМОНОВ. ISSN 2010-9318. Босиш ва топшириш вақти – 21.00. Босиш ва топширилди – 22.00 1 2 3 4 5 6